LIBCOM-2021: ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР, МУҲОКАМАЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР





Зуҳра Носирова,
Республика йиғма электрон каталог маркази директори

Annotation: For the international library community, 2021 ended with traditional partnership meetings. XXV International Conference LIBCOM-2021: "Information Technologies, Computer Systems and Publishing Products for Libraries" was held on December 20-24 in the city of Suzdal, Vladimir region of Russia. Representatives of the Alisher Navoi National Library of Uzbekistan also took an active part in this prestigious conference. The author of the article shared her impressions of the meeting with foreign colleagues behind the "round straw" and in sections, emphasized the importance of such dialogues, which primarily contribute to increasing the potential of the library sphere through the development and implementation of new ideas, new opportunities.

Калит сўзлар: LIBCOM, кутубхоналар учун нашриёт маҳсулотлари, очиқ имкониятлар, Суздаль, ҳамкорлик, МДҲ, оффлайн-онлайн, анжуман, «келажак кутубхоналари»

Халқаро кутубхоначилик жамоатчилиги учун 2021 йил анъанавий ҳамкорлик учрашувлари билан якун топди. 20-24 декабрь кунлари Россиянинг Владимир вилояти Суздаль шаҳрида LIBCOM-2021: «Кутубхоналар учун ахборот технологиялари, компьютер тизимлари ва нашриёт маҳсулотлари» XXV халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуманда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси вакиллари ҳам фаол иштирок этди.

Айтиш жоизки, LIBCOM конференцияси 1997 йилдан буён ўтказиб келинади ва ҳар сафар мавзу соҳанинг энг долзарб масалаларига оид танланади. Дастлабки учрашувлар бош ташкилотчи ҳисобланмиш Россия Федерацияси Фан ва олий таълим вазирлиги тизимидаги Россия Давлат оммавий илмий-техника кутубхонасида ҳамда Россия Миллий фан ва технологиялар кутубхонаси тасарруфида ташкил этилган бўлса (1997-2000), кейинги ўн йил давомида LIBCOM қароргоҳига айланган афсонавий Суздаль шаҳри (Владимир вилояти)даги «Сайёҳлик маркази» мажмуасида ўтказиб келинмоқда.



LIBCOM-2021 анжумани «Кутубхоналар учун ахборот технологиялари, компьютер тизимлари ва нашриёт маҳсулотлари» мавзусига бағишланиб, «Очиқ имкониятлар – билимлар сари йўл!» («Открытый доступ – дорога к знаниям!») шиори остида кечди.

Конференция давомида кутубхоначиликда ахборот-технологияларини ривожлантириш ҳолати ва истиқболлари, янги лойиҳалар ва дастурлар, инновацион технологиялар, ахборот ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари, электрон кутубхоналар ва ресурслар, таълим даргоҳлари кутубхоналарини ахборотлаштириш каби мавзулар кенг муҳокама қилинди.

Анжуман очилиш маросимида сўзга чиққан Россия Давлат оммавий илмий-техника кутубхонаси директори, LIBCOM-2021 халқаро конференцияси ташкилий қўмитаси раиси

Яков Шрайберг ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган LIBCOM конференциялари моҳиятига ургу берар экан, жаҳонда ахборот-кутубхоналар тақвимидан мустаҳкам ўрин эгаллагани, нафақат кутубхоначилар, балки бошқа кўплаб соҳа вакиллари учун ҳам аҳамияти кенгайиб бораётганини таъкидлади. LIBCOM узоқ йиллар давомида МДҲ доирасида илмий-амалий алоқаларни юқори даражада сақлаб келаётгани, турли соҳа мутахассисларига илғор тажриба алмашиш, фан, маданият ва таълим йўналишларида замонавий ахборот технологиялари билан таъминлашда қулай шароитлар яратиш имконини бераётгани эътироф этилди.

Конференциянинг ялпи ва бўлинма учрашувларида кутубхоначиликда катта хажмдаги маълумотлар негизини шакллантириш, булутли технологиялардан фойдаланиш афзалликлари, сунъий интеллект, роботлаштириш, мобил иловалар афзаллиги, сунъий интеллект тизимларини қўллаш масалаларига бағишланган маърузалар катта қизиқиш билан қарши олинди. Ўз навбатида, илмий-техник ахборот тизимини ривожлантириш борасида кенг қамровли таклифлар киритилди.

LIBCOMнинг таркибий қисми сифатида анъанавий тус олган махсус кўргазмада бу йили энг томошабоп дея ID-logic компаниясининг ахборот хизматлари самарадорлигини оширишнинг янги техник ва дастурий воситалари тақдимоти жараёнлари эътироф этилди. Тақдимот давомида кутубхоналарда RFID тизимларини жорий қилишнинг имкониятларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Конференция доирасида «Келажак кутубхоналари» Миллий кутубхоналар халқаро ассоциацияси (МКХА)нинг илмий-амалий анжумани ҳам ташкил этилди. МКХА президенти Яков Шрайберг ассоциациянинг турли соҳалардаги асосий лойиҳалари ва режалари ҳақида батафсил маълумот берди. Я. Шрайберг инновацион лойиҳаларга алоҳида тўхталиб, жамиятнинг барқарор ривожланиши тамойилларини оммалаштириш, кутубхонада маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятига оид адабиётлар фондини ривожлантириш каби масалаларни илгари сурди.





LIBCOMнинг анъанасига айланган ИРБИС доимий мактабининг кузги сессияси ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда бир қатор модуллардаги янгиликлар бўйича фикрлар алмашилди. Сессия савол-жавоблар, мунозараларга бой кечди.

Анъанавий LIBCOMнинг галдаги, XXV халқаро конференцияси ташкилотчилар ва қатнашчиларнинг «Бизни Суздаль бирлаштиради!» шиори остидаги чиқишлари билан якун топди.

Зухра Носирова - директор Республиканского центра сводного электронного каталога.

Для международного библиотечного сообщества 2021 год завершился традиционными партнерскими встречами. XXV Международная конференция LIBCOM-2021: «Информационные технологии, компьютерные системы и издательская продукция для библиотек» прошла 20-24 декабря в г. Суздале Владимирской области России. Представители Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои также приняли активное участие в этой престижной конференции. Автор статьи поделилась своими впечатлениями от встречи с зарубежными коллегами за «круглым столом» и в секциях, подчеркнула важность подобных диалогов, способствующих в первую очередь повышению потенциала библиотечной сферы за счет развития и внедрения новых идей, новых возможностей. ■